ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

160 ^ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хисоб-китоблар клиринг тизими тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2570

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Электрон тўловлар тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 373-модда) ва «Электрон ракамли имзо тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 41-модда) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ−1989-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хисоб-китоблар клиринг тизими тўгрисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2014 йил 21 февраль, 4/4-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



14 (618)-сон — 31 — 160-модда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 21 февралдаги 4∕4-сонли қарорига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Марказий банкининг хисоб-китоблар клиринг тизими тугрисида НИЗОМ

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида»ги, «Электрон тўловлар тўгрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПК—1989-сонли «Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хисоб-китоблар клиринг тизими (бундан буён матнда Клиринг тизими дебюритилади) фаолиятини тартибга солади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

клиринг — электрон тўловларни йигиш, ишлов бериш, тасдиқлаш ва юритиш хамда Клиринг тизими аъзоларининг соф позицияларини амалга ошириш жараёни;

клиринг сессияси — Клиринг тизимида клиринг амалга оширилиши учун ўрнатилган вақт;

якуний хисоб-китоб — тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Хисоб-китоблар марказида очилган вакиллик хисобвараклари орқали Клиринг тизимида амалга оширилган хисоб-китоб;

Клиринг тизими фойдаланувчилари — маблагларни туловчи ва маблагларни олувчилар;

чакана тўловлар — жисмоний шахсларнинг доимий ва истеъмолга оид тўловлари, улар ўртасидаги пул ўтказмалари;

электрон тўлов бўйича хабар — Клиринг тизимидаги хисоб-китобларга оид электрон ахборот;

ижтимоий тизим аҳамиятидаги туँлов тизимлари — туँловлар кенг ҳажмда амалга ошириладиган ту́лов тизимлари;

соф позиция — Клиринг тизими аъзосининг клиринг сессияси даврида бошка барча аъзолардан олган туловлари йигиндисидан ушбу аъзонинг бошка барча аъзоларга юборган туловлари йигиндисининг айирмаси;

биллинг тизими — истеъмолчиларнинг реквизитлари ва етказиб берилган товар ва курсатилган хизматлар буйича тарификациялашнинг хисобини юритувчи ахборот тизими.

2. Мазкур Низом талаблари жисмоний ва юридик шахслар томонидан



Клиринг тизими орқали нақд пулсиз чакана туловларни амалга оширишга нисбатан татбиқ этилади.

3. Клиринг тизимининг мақсади — электрон тўлов хужжатлари ва электрон тўлов бўйича хабарларни ишончли, хавфсиз, самарали равишда реал вақт режимида алмашиш ва тўловларни амалга ошириш жараёнида молиявий хавф-хатарларни бартараф этилишини таъминлашдан иборат.

2-боб. Клиринг тизими аъзолигига кириш ва ундан чикиш

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида вакиллик ҳисобварағига эга булган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш Бош маркази (бундан буён матнда АБМ деб юритилади) билан Клиринг тизимида иштирок этиш туррисида шартнома тузган тижорат банклари Клиринг тизими аъзолари ҳисобланади.

Ижтимоий тизим ахамиятидаги тўлов тизимлари операторлари хам AБM билан тузилган шартнома асосида Клиринг тизимида иштирок этишлари мумкин.

5. Клиринг тизими аъзолари Клиринг тизимида иштирок этиш тўгрисидаги шартномани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш орқали тизим аъзолигидан чиқишлари мумкин.

3-боб. Клиринг тизими аъзолари, фойдаланувчилари ҳамда АБМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 6. Клиринг тизими аъзолари электрон туловларни амалга оширганлик учун ҳақ олишга ва қонунда белгиланган ҳолларда тулов тизимидан фойдаланувчиларнинг ҳисобварақлари буйича операцияларни туҳтатиб туришга ҳақлидир.
 - 7. Клиринг тизими аъзоси:

тўлов тизимидан фойдаланувчининг хисобварагига тушадиган пул маблагларини қабул қилиши ва хисобга киритиши, унинг тегишли суммаларни ўтказиш тўгрисидаги топширикларини бажариши;


ўзининг айби билан нотўгри амалга оширилган операцияларни тиклаши ёки тузатиши;

тулов тизимидан фойдаланувчига унинг хисобварағига оид ахборотни шартномада белгиланган муддатларда қоғоздаги ёки электрон шаклда тақлим этиши:

пул маблағлари олувчининг — тўлов тизимидан фойдаланувчининг хисобварағига тушганлигини тўловчининг — тўлов тизимидан фойдаланувчининг сўрови бўйича қоғоздаги ёки электрон шаклда тасдиқлаши;

якуний ҳисоб-китоб қилиш учун вакиллик ҳисобварағининг ликвидлигини таъминлаши;

электрон тўлов хужжатлари ва электрон тўлов бўйича хабарларни шакллантириши ҳамда Клиринг марказига узатиши шарт.



- 8. Клиринг тизимидан фойдаланувчилар ўз ҳисобварақларида турган пул маблағларини мустақил тасарруф этишга ва ўз ҳисобварақлари бўйича пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ахборот олишга ҳақлидир.
 - 9. Клиринг тизими фойдаланувчиси:

Клиринг тизимининг қоидалари билан белгиланган ахборотни муҳофаза қилиш тартибига риоя этиши;

электрон тўлов воситаларининг ва идентификация маълумотларининг сақланишини таъминлаши;

Клиринг тизимининг аъзосига электрон тулов воситалари ёки идентификация маълумотлари йуколганлиги туррисида шартномада белгиланган муддатларда хабар килиши шарт.

10. АБМ курсатилган хизматлар учун Клиринг тизими аъзоларидан шартномада белгиланган микдорда хак олиш хукукига эга.

AБМ Клиринг тизимининг узлуксиз ишлашини, электрон тулов хужжатлари ва хабарларига уз вактида ишлов берилишини, ахборотнинг туликлиги, хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаши шарт.

11. АБМ, Клиринг тизими аъзолари ва фойдаланувчилари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари ва шартномалар билан тартибга солинади.

4-боб. Клиринг тизими таркиби

- 12. Клиринг тизими АБМ Клиринг маркази ҳамда аъзоларнинг ахборот тизимлари ва телекоммуникация тармоқларидан ташкил топган.
- 13. Клиринг тизими аъзоларининг ахборот тизимлари автоматлаштирилган иш жойи шаклида булиб, электрон тулов хужжатлари ва хабарларини олиш, тайёрлаш ва Клиринг тизимига узатиш хамда мониторинг олиб бориш учун мулжалланган.
- 14. АБМ Клиринг маркази ва Клиринг тизими аъзоларининг ахборот тизимлари ўртасидаги алоқа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк телекоммуникация тармоғи орқали таъминланади.
- 15. Клиринг тизими фойдаланувчилари тизим аъзоларининг ахборот тизимларига Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармокларини куллаган холда тулов тизимларини ташкил килиш коидаларига (руйхат раками 1767, 2008 йил 13 февраль) мувофик, Интернет тармоги оркали богланиши мумкин.
- 16. АБМ Клиринг маркази Клиринг тизими фойдаланувчиларини идентификация қилиш, электрон тулов хужжатлари ва электрон тулов буйича хабарларни марказлашган тарзда йигиш ва ишлов бериш, соф позицияларни хисоблаш ва якуний хисоб-китоб қилиш мақсадида Узбекистон Республикаси Марказий банкининг Хисоб-китоб марказига узатиш буйича функцияларни амалга оширади.
- 17. Клиринг тизимида техник, дастурий ва эксплуатация хизматлари аъзолар билан тузилган шартномалар асосида АБМ томонидан таъминланади.



160-модда

5-боб. Клиринг тизими фаолиятини ташкил этиш

- 18. Клиринг тизимида электрон тўловлар дам олиш кунларисиз кечакундуз реал вакт режимида узлуксиз амалга оширилади.
- 19. Клиринг сессияси бошланишидан олдин Клиринг тизими аъзосининг вакиллик хисобвараги ижобий қолдиққа эга булиши керак.
- 20. Клиринг тизимида фойдаланувчининг реквизитларига аниклик киритиш учун АБМ Клиринг маркази томонидан биллинг тизимларига сўровнома юборилиши ва олинган маълумотлар асосида электрон тўлов хужжатларига ўзгартириш киритиш учун тизим аъзолари ва фойдаланувчиларига такдим килиниши мумкин.
- 21. Банк амалиёт куни давомида клиринг тизимида бир неча марта клиринг сессиялари амалга оширилиши мумкин. Банк амалиёт кунидаги сўнгги клиринг сессиясидан кейин электрон тўлов хужжатлари бўйича якуний хисоб-китоблар кейинги банк амалиёт кунининг дастлабки клиринг сессиясида амалга оширилади.
- 22. АБМ Клиринг маркази томонидан электрон тулов хужжатлари ва хабарлари буйича тасдикнома юборилади. Тасдикнома олинган вактдан бошлаб, тулов якуний ва чакирилмас хисобланади.
- 23. Клиринг тизимида белгиланган техник талабларга мос келмаган электрон туловлар рад этилади ва ишловга қабул қилинмайди. Бунда туловларни рад этиш сабаблари код орқали Клиринг тизими аъзоларига юборилади.
- 24. Соф позиция маълумотлари АБМ Клиринг маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Хисоб-китоб марказига узатилади.
- 25. Банк амалиёт куни давомида амалга оширилган клиринг сессиялари якунлари буйича шакллантирилган хисоботлар Клиринг тизими аъзоларига юборилади.
- 26. Чакана тўловлар бўйича маблагларни банк хисобварагига ўтказиш тартиби хамда воситачилик хаклари микдори Клиринг тизими аъзолари ва пул маблагларини олувчилар ўртасида тузиладиган шартномага асосан белгиланади.

6-боб. Якуний қоида

27. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор булган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

